O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 14 январь, чоршанба • № 4 (10.987) • Эркин нархда сотилади

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимиз қудратининг ёрқин тимсоли, бунёдкор элимиз осойишталигининг асл посбонлари бўлган Сиз азизларни — оддий аскару сержантларни, офицеру генералларни, барча ҳарбий хизматчиларни улкан байрам — Ватан ҳимоячилари куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Ватан ҳимоячиси деганда халқимиз кўз ўнгида, энг аввало, адл қоматига ҳарбий либос ярашган, туғилган юрти ва оқ сут берган халқини жондан севувчи, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларга эга, тинчлик ва барқарорликни сақлашдек олижаноб мақсад йўлида ҳар қандай жасоратга тайёр мард ва ботир ўғлонлар намоён бўлади.

Шердил ва ўтюрак йигитлар миллат кўрки, Ватан фахридир. Ота аскар ўғли тимсолида тинчлик посбонини, она фарзандларининг ҳимоячисини, бўйсара қизларимиз бўлажак умр йўлдошларини тасаввур қилишади. Шу маънода Ватан ҳимоячилари куни барчамизнинг байрамимиздир.

Сирасини айтганда, Ватан ҳимояси қадимдан энг олий қадрият саналиб келган. Юртимиз баҳодирларининг шижоати ва жасурлиги жаҳонга аён. Халқимизнинг асрий орзулари ушалган мустақиллик замонида озодлик дея жонларини аямаган ота-боболаримиз хотираларини ёдга олиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз деб биламан. Фидойиларнинг ёрқин хотираси Ватан йўлларини абадул-абад ёритиб туражак.

Бугун биз Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганининг олти йиллигини нишонламоқдамиз. Ўтган қисқа даврда миллий қўшинимиз энг замонавий асосларда шакланди. Уларнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлиги тобора ортиб бормоқда.

Ҳарбий бўлинмаларимизнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасидаги йирик машқларда, халқаро тинчликпарварлик тадбирларидаги иштироки, юксак ҳарбий маҳоратлари мамлакат тақдири ишончли қўлларда эканлигини кўрсатмоқда.

Президент сифатида ишонтириб айтаманки, давлатимиз ва халқимиз истиқлол посбонлари, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизнинг бундан буён ҳам ўз конституциявий ва фарзандлик бурчларини садоқат билан бажаришлари учун шарт-шароит яратишда ғамхўрлик кўрсатаверади.

Қадрдонларим!

Байрамингиз яна бир бор муборак бўлсин, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, Она-Ватанимиз тинчлигини ҳимоя қилишдек шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Осмонимиз ҳамиша тиниқ ва мусаффо бўлсин!

ИСЛОМ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётга халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Республикамиздаги Маданият ишлари вазирлиги, бошқа вазирлик ва идораларга тегишли барча турдаги мавжуд музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги қошида музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилсин.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамда турли муассасалар, шунингдек, хорижий ташкилотлар жамғарма ҳаммуассислари бўлиши мумкинлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамғарма низомини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

2. «Ўзбекмузей» фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

музейларда ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб, миллий мустақиллик ғояларига мос экспозициялар яратиш, музейшуносликда умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш;

мамлакатимиз фуқароларини чет элларда сақланаётган тарихимизга оид осориатиқалар билан кенг таништириш ҳамда музейларимиздаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой миллий-маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром, ватанимизнинг буюк келажагига комил ишонч туйғуларини тарбиялаш;

музейшунослик соҳасида халқаро алоқаларни, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўргазма фаолияти орқали мамлакатимизнинг бой тарихи, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш;

ҳудудий, идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар музей фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш, уларга илмий-услубий раҳбарлик қилиш, илмий муассасаларни музейшуносликни ривожлантиришда фаол иштирок этишга жалб қилиш;

музейлар фондидаги экспонатларнинг ягона рўйхатини юритиш, уларнинг муҳофаза шароитларини доимий, қатъий назоратга олиш, бу соҳада тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш;

музейшуносликка замонавий техник воситаларни татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Бадиий академияси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда тегишли вазирлик ва ҳокимликлар билан биргаликда:

икки ой муддатда мамлакатимиздаги музейлар фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштиришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Бир ой муддатда мустақил Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини тарғиб-ташвиқ қилишдаги алоҳида аҳамиятини эътиборга олиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқ амалий санъати музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона давлат музей-қўриқхоналарининг ривожланиши ва молиявий таъминоти бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Дастурни амалга оширишни мувофиқлаштириш «Ўзбекмузей» жамғармаси зиммасига юклансин.

Тегишли ташкилот, муассасаларнинг ушбу музейларга ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари эътиборга олинсин.

4. Адлия, Маданият ишлари вазирликлари давлат Божхона қўмитаси, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ноёб маданий бойликларни сақлаш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатга олиб кириш ва шу масалалар билан боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

5. Ноёб маданий бойликларни сақлаш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатга олиб кириш ва бошқа масалалар билан боғлиқ бутун маданият ишлари вазирлиги (Х. Жўраев), Фанлар академияси (Т. Жўраев), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Давлат божхона қўмитаси (Ў. Комилов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) зиммасига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академияси ва Давлат матбуот қўмитаси мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва қадриятларимиздан хабардор қилиб бориш ҳамда мутахассислар, музей ходимларининг музейшунослик соҳасидаги илмий ишларини чоп этиш, бу соҳадаги ютуқларни тарғиб қилиш, музей ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида уч ойда бир марта ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журналини таъсис этсинлар.

7. «Ўзбекмузей», унинг бўлим ва корхоналари, музейларнинг асосий ва қўшимча фаолиятидан олинадиган даромадлари 5 йил муддатга барча турдаги давлат солиқларидан, божхона ва бошқа тўловлардан озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг соҳани янада ривожлантиришга, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ишларига сарф фланиши назарда тутилсин.

Турли ташкилот ва ҳомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг музейлар фаолиятини яхшилаш учун ўтказадиган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Молия вазирликлари Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда музей ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва ойлик маошларини ошириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиб, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда етакчи музей ва қўриқхоналарни ўз ичига олган махсус халқаро туристик йўналишлар (турлар) ташкил этсинлар ҳамда уларга хорижий сайёҳларни жалб этиш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширсинлар.

10. Музейларнинг давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланишининг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда музей иншоотларини қуриш ва тўлиқ таъмирлаш ҳамда уларни замонавий жиҳозлаш учун зарур бўлган техника воситаларини сотиб олиш ва Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур маблағларни 1998-1999 йилларда ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 12 январь.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ МОСКВАДА НАШР ЭТИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган мураккаб муаммоларга ўз муносабати, мустақил нуқтаи назари ниҳоятда аниқ ва теран илмий асос билан акс эттирилган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилиниб, жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ҳақиқатан ҳам, бу асарда кўтарилган долзарб масалалар нафақат ватандошларимизни, балки хорижий мамлакатлар аҳлини ҳам бефарқ қолдирмайди. Китобда мустақилликка эришган янги давлат — Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, мавқеи, улуғ вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққиёт йўли теран илмий асосда баён этилган. Жаҳон ҳамжамиятининг янги аср бўсағасида дуч келаётган муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ечимига бағишланган ушбу китоб чет эллик кўплаб йирик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчилар томонидан чуқур ўрганилмоқда, таҳлил қилинмоқда. Чунки бу китобдаги ғоя ва хулосалар назариётчининг бетараф кузатувлари эмас, балки янги замон сиёсий арбобининг серқирра амалий фаолияти билан боғлиқ ҳаётий тажрибалар махсули экани билан ҳам, айниқса қимматлидир.

Ислом Каримов тараққиётимизнинг кафолатлари ҳақида мушоҳада юритар экан, "Биз ўз эзгу мақсадимизга албатта эришамиз, озод ва обод жамият барпо этамиз", деб қатъий таъкидлайди. Муаллиф ишонч билан: "Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятимиз, кўп авлодларнинг ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақл-заковат имкониятларимиз, халқимизнинг юксак маънавияти ва ахлоқий қадриятлари, заминимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саховатлилиги, бағрикенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир", дейди.

Москванинг таниқли "Дрофа" нашриёти Ислом Каримовнинг мазкур китобини рус тилида кўп минг нусхада нашр этди. Бу китоб Россия жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қилинаётган тарихий ўзгаришлар билан янада яқинроқ таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Муаллиф ўз китобининг якуний қисмида жаҳон тараққиётининг мураккаб муаммолари таҳлилидан чиқарган асосий хулосасини шундай баён этади: "Иймоним комилки, — деб ёзади у, — тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради".

"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби нафақат мустақил Ватанимиз, балки бутун ер юзида тинчлик, осойишталик ҳукм суришига, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамланишига холисона хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

(ЎзА).

Рақобатбардошлик — асосий мезон

ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ЯҚИНДА Олмалиқ шаҳар Металлурглар маданият саройида вилоятимиздаги юздан ортиқ саноат, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган корхона, фирма ва хусусий тадбиркорларнинг халқ истеъмол моллари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазма ишида Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев қатнашди.

Ярмарканинг очилиш чоғида вилоят ҳокими муовини Бахтиёр Ҳосилов мазкур тадбирнинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапирди. Жумладан, вилоятимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун бозорни ўрганиб, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтириш кераклигини таъкидлади. Қилинаётган ишлар, ютуқлар ва камчиликлар ҳақида алоҳида тўхталди. Шунингдек, жойларда қўшма корхоналар очиш, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фирмалар сонини кўпайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги уқдирилди.

Кўргазмага қўйилган маҳсулотларни томоша қилар экансан, халқимизнинг кўли гул, ишбилармон, тадбиркор, меҳнаткашлигига тўлиқ ишонч ҳосил қиласан, киши. Ярмаркада Зангиота туманида жойлашган "Ахмар-Трейдинг ЛТД", "Раҳими индустрайс", "Дуз-Тур", "Фар-ВАБ" қўшма, "ТЭКиК" кичик корхоналари, Ангрен шаҳридаги "Албо" ўзбек-болгар, "Чоткол-БК" Ўзбекистон-Россия-Югославия қўшма корхоналари, "Кулол" очиқ турдаги акциядорлик жамияти, "Ўзбекрезинатехника" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ шаҳридаги "Тафтинг", "Ширинлик", "Олмалиқ савдо" акциядорлик жамиятлари, Чирчиқ шаҳридаги "Кибо" корхонаси маҳсулотларига талаб кучли бўлди ва энг кўп шартномалар ҳам мазкур мажмуалар билан тузилди.

— Биз корхонамизни 1994 йилда очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирганимиздан кейин ишларимизда аста-секин олдинга томон силжиш рўй бера бошлади, — дейди Олмалиқ шаҳридаги "Ширинлик" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Турдиали Алимов. — Гарчанд, корхонамиздаги муаммоларни юз фоиз бартараф этмаган бўлсак-да тўла қувват билан ишлашга ҳаракат қиляпмиз. 1998 йилда қандолат маҳсулотларимизни сифатли ва жаҳон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги маҳсулотга айлантириш ниятидамиз. Чунки, сифатли маҳсулот иқтисодий танглик юз бермаслигини тўлиқ кафолатлайди, кишилар меҳнатининг самарадорлигини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Даромаднинг ошишига замин яратди. Ҳозирги кунда маҳсулотларимизга талабгорлар етарли. Ушбу кўргазмадан кейин улар сафи янада кўпайди. "Олмазор-М" акциядорлик жамияти, "Анвар-Бек", "Олмалиқ-нон", "Ангренсавдо" ва бошқа корхоналар билан 16 миллион сўмга яқин ўзаро шартномалар туздик.

— Яхши ният, ярим давлат деганларидек, 1994 йилда дераза, эшик, дарвоза, сандиқ ва шунга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган мўъжазгина шохобча очдик, —дейди Бўка тумани товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси раиси Абдуқодир Нишонов. — Ҳаракатларимиз зое кетмади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга буюртмачилар сони кўпайиши бизни ўз ишимизга янада чуқурроқ ёндашишимизни англатади. Айниқса, сандиқ ва сандиқчаларга талаб кучли бўлди. Натижада ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш 1996 йилдагига нисбатан 400 донага кўпайди. Ҳозирги кунда Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ҳам мижозларимиз бор. Бунинг учун усталаримиз Саидусмон Маҳмудов, Иброҳим Раҳмонқулов, Саидамин Маҳмудовлар тинмасдан изланмоқдалар.

Яқинда ҳунармандлар ассоциацияси томонидан уюштирилган "Ташаббус—97" кўрик танловининг туман миқёсидаги босқичи бўлади. Маҳсулотларимиз ушбу кўрикдан муваффақиятли ўтса, вилоят, республика бўйича бўлиб ўтадиган тадбирларда иштирок этишимизга йўл очилади. Шунингдек, май ойидан бошлаб корхонамизни кенгайтириб, унинг қошида янги консерва цехини ишга тушириш режамиз ҳам бор. У жойда асосан тамат пастаси ва қишлоқ хўжалигининг барча маҳсулотлари консерваланиб, хорижга экспорт қилинади. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Бу борада республика тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш палатаси яқиндан ёрдам бераётир. Ушбу цех ишга туширилгач, яна 50 та иш ўрни бунёд этилади.

...Кўргазмада ўзаро энг кўп шартнома тузган "Ўзбекрезинатехника" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Албо" ўзбек-болгар қўшма корхонаси, "Кибо" болалар пойабзали корхонаси, "Муроду мақсад" хусусий фирмаси бўлди. Мазкур фирма ва корхоналар маҳсулотлари сифатли ва арзонлиги туфайли улгуржи ва чакана нархда сотиб олувчи харидорларни хушнуд этди.

Ярмаркада 150 миллион сўмга яқин ўзаро шартномалар тузилди.

Рўзибой ҲАМИДОВ.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Биринчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг V сессияси бугун соат 10.00 да Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг маданият саройида бошланади.

Депутатлар шу ернинг ўзида рўйхатдан ўтказилади.

Вилоят ҳокимлигида

САНАЦИЯ: МАЖЛИСДА ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ қатор қишлоқ хўжалик жамоаларининг иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолганлиги сир эмас. Шунинг учун уларни санация қилиш зарурати туғилди. Бу муҳим ишни қандай ўтказиш ва бу хўжаликлар қаддини тиклаб олиши учун биринчи навбатда қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим?

Вилоят санация комиссиясининг навбатдаги мажлисида ана шу масала муҳокама қилинди.

Йиғинда хўжаликларнинг фаолиятини ўрганиш ва уларга санация қилишда амалий ёрдам кўрсатиш йўлларини белгилаш бўйича республика идораларининг уларга биркитилган вакиллари ҳам қатнашдилар. Мажлисни вилоят ҳокимининг муовини Б. Ҳосилов олиб борди.

Унда республика санация комиссияси аъзоси, Меҳнат вазири А. Обидов бу тадбирни амалга ошириш йўл-йўриқлари, унинг аҳамияти, бундан кўзланган мақсадлар ҳақида сўзлаб берди. Вилоят бўйича 8 та қишлоқ хўжалик корхонаси санация қилиниши лозим. Булар Бекобод туманидаги "Авангард", Бўкадаги "Гулистон", Чиноздаги Охунбобоев номли, Оққўрғон туманидаги "Султонобод", шунингдек, "Пскент", "Кўкорол", "Бўка" ва Ҳамза номли жамоа хўжаликларидир.

Мажлисда таъкидланганидек, аввало, бу хўжаликлар аъзоларининг умумий йиғилишларини ўтказиш, уларга санация сиёсатининг моҳиятини атрофлича тушунтириш лозим бўлади. Мазкур хўжаликлар фаолиятининг барча дабҳаларини синчиклаб текшириш, ер майдонлари, ишлаб чиқариш воситаларининг ҳолати, дебитор ва кредитор қарзларнинг сабабларини пухта ўрганиш, ходимларнинг ўз лавозимига муносиб эканликларини таҳлил қилиш, ортиқча ишчи кучларини бўшатиш ва уларни иш билан таъминлаш, хўжаликларнинг янги йилдаги фаолият дастурлари — бизнес режаларини ишлаб чиқишда яқиндан ёрдам бериш зарурлиги қайд қилинди.

Мажлисда санация қилиш ишларини қисқа муддатларда ва пухта ўтказиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

1998 йил — Оила йили

АЁЛЛАР СЎЗ СЎРАЙДИ

Тошкент туманида Тошкент ва Қибрай туманлари хотин-қизлари иштирокида "Оилам, давлатим, бахтим" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг 1998 йилни оила йили, деб эълон қилиш ҳақидаги ташаббуси шу заминда яшовчи ҳар бир кишининг қалбида чинакам кўтаринкилик ва хайрихоҳлик ҳисларини уйғотди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки оила масаласи бизнинг халқимиз ва миллатимиз учун энг муҳим, энг муқаддас масалалардан бири ҳисобланади. Ва табиийки, ҳозирги янгиланиш жараёнида бу борада ҳам ўзига яраша муаммолар, ҳал этилиши зарур бўлган баъзи вазифалар юзага келмоқда. Одамларнинг қувонгани ҳам шундан — янги йил оила манфаатларини ҳимоя қилиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишда янги имкониятларга йўл очади. Бу фикр ҳозирданоқ жойларда оила йилига бағишлаб ўтказилаётган турли тадбир ва учрашувларда айтилмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан икки қўшни туман — Тошкент ва Қибрай туманлари хотин-қизлар фаолларининг биргаликдаги "Оилам, давлатим, бахтим" деб номланган давра суҳбати ҳам оила йили мавзусига бағишланди. Суҳбатни вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева очиб, янги йилдан эътиборан хотин-қизлар қўмиталарининг иши ҳар қачонгидан ҳам масъулиятлироқ бўлишини, шунинг учун оила йилига аниқ дастур асосида кириш лозимлигини таъкидлади. Хўш, бу дастур нималардан иборат бўлмоғи лозим? Хотин-қизлар қўмиталари фаолларининг ва умуман, вилоят хотин-қизларининг бу борадаги орзу-умидлари, таклиф-мулоҳазалари қандай? Дастлаб Тошкент ва Қибрай тумани хотин-қизлар қўмитаси етакчилари Мастура Қорабоева ва Бибихон Шералиевалар келгусида қилинадиган ишлар режаси ҳақида қисқача гапирдилар. Шундан сўнг давра суҳбатига йиғилганлар оила ва жамиятда аёлларнинг тутган ўрни хусусида сўз юритиб, ўзларининг самимий таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Хўш, икки туман аёлларининг 1998 йил чинакам оила йилига айланиши учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрлари нималардан иборат? Келинг, айрим мулоҳазаларга қулоқ тутайлик:

Шоира УМАРОВА — Қибрай туманида фаолият кўрсатаётган "Қизлар гулдастаси" клубининг раҳбари, ўқитувчи:

— Маънавияти кучли бўлган жамиятгина буюк давлат бўла олади. Биз фарзандларимизни ҳар томонлама билимли ва одобли қилиб тарбиялаш учун мактабларда ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашимиз зарур. Биз ўз мактабимизда "Ватанона алласидан бошланади" деган мавзуда тадбирлар ўтказдик. Ёшларни, айниқса қизларни оилага тайёрлашда эса мактабнинг ўрни беқиёс. Бунда бизга "Қизлар гулдастаси" клуби яқиндан ёрдам бермоқда. Ўз тажрибамдан келиб айта оламанки, қизлар билан яқин сирдош бўла оладиган, уларга турли масалаларда амалий ёрдам кўрсата оладиган бундай клубларни ҳамма жойда ташкил этиш зарур. Чунки оила деганда аввало аёл тушунилади. Аёл киши кенг дунёқарашли, билимли, рўзғор ишларида уқувли бўлса, демак, оила пойдевори ҳам мустаҳкам бўлади.

Ҳалима ТОШМУҲАММЕДОВА — 10-мактаб директор муовини:

— Оила йилида ўз-ўзидан маълумки, хотин-қизлар қўмиталари ва уларнинг фаоллари бажарадиган ишлар ниҳоятда кўп ва масъулиятли бўлади. Бу борада қўмита ва унинг жойлардаги жамоатчилари бир қанча фойдали тадбирларни ўтказишларига ишонаман. Аммо қилинадиган амалий ишлар самарали бўлиши учун маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар етакчиларини маош билан таъминлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Менинг келгуси йилдан умидим шу.

Нигора РУСТАМОВА — Қибрай тумани Қизил Ярим Ой жамияти раиси:

— Биз оила пойдеворини мустаҳкамлаш деганда негадир кўпинча фақат аёлларни тушунамиз. Тўғри, оилада аёлнинг ўрни жуда катта. Биз фарзанд тарбиясидан тортиб, рўзғор юритишгача, хатто бозор ўчаргача, ҳамма нарсани ўз зиммамизга олиб, ўзимиз ҳақимизда ўйламай қўйдик. Оқибатда эса айрим оталар рўзғор ташвишига ўралашиб, ўзига тузукроқ қарамай қўйган хотиндан ажралишни истаб қолаяптилар. Ҳаётда бу нарса учраб турганини тан олиш керак. Модомики, мустаҳкам оила ҳақида гап борар экан, келгуси йилда "Оталар куни" ҳақида ўйлаб кўриш ва уларнинг оила ва фарзанд олдидаги бурч ва вазифаларини эслатиб турувчи маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш зарур. Ахир қарс икки қўлдан чиқади, деб кўп гапирамизку!...

Зуҳра ИСМОИЛОВА — Тошкент туманидаги 20-мактаб директори:

— Бизнинг олдимизда янги мустақил жамиятни ривожлантириш, унинг дунё олдидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашдек жуда катта вазифалар турибди. Кўзланган мақсадларга эса кишиларнинг ҳуқуқий, маънавий билим савиясини оширмай туриб эришиб бўлмайди. Келгуси йилда мана шу нарсага алоҳида эътибор қаратилишини, намунали оилаларни кўпайтириш учун амалий тадбирлар қўлланилишини, оила ва ҳуқуқий манфаатлар биргаликда қўшиб олиб борилишини истайман. Шундай қилиш керакки, атрофимизда ночорликдан қийналган бирорта одам, бирорта хонадон қолмасин. Бир аёл сифатида, етакчи сифатида менинг қўлимдан нимаики келса, ҳаммасини қилишга тайёрман.

ШУ КУНГИ учрашув икки туман хотин-қизлар вакилларининг самимий мунозара ва фикр алмашувлари билан қизғин тус олди. Давра суҳбати якунида бундай ўзаро ҳамкорликни бошқа соҳаларда ҳам йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш, муаммоларга биргаликда ечим топиш ҳақида келишиб олинди.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

Инсон манфаатлари устуворлиги йўлида

ТОМЧИДА ДЕНГИЗ АКСИ

МАМЛАКАТИМИЗ Президентининг ташаббуси билан 1997 йил инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган эди. Бу шиор йил давомида фаолиятнинг устивор йўналиши бўлиб турди, республикамиз фуқароларининг фаровонлигини оширишга қаратилган жуда кўп чора-тадбирлар кўрилди. Томчида денгиз акс этганидек, буни Тошкент иссиқлик электр станцияси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Баҳром Юнусов шу ҳақда бундай деди:

— Мустақиллигимизнинг олтинчи йили тўла маънода қутлуғ бўлди. Республикамизда ҳар соҳада — иқтисодиётда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам тилга олса орзигулик ижобий ўзгаришлар рўй берди. Саноатимиз ва унинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган энергетика барқарорликдан ривожланиш, юксалиш йўлига ўтиб олди. Жорий йилда нурхонамиз ҳам тараққиёт сари катта одим ташлади. Электр энергияси ҳосил қилиш жараёнининг бир маромда бориши таъминланди. Жамоамиз ишлаб чиқарган ҳаётбахш нур минглаб корхоналардаги асбоб-ускуналарни харакатга келтирди, миллионлаб хонадонларни чароғон қилиб турди. Бу билан 1400 кишилик жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ҳақли равишда фахрланса арзийди. Шунинг учун ҳам буюртмачилар қанча электр энергияси талаб қилса, шунча ҳосил қиляпмиз. Уларни вақтида ва етарли миқдорда таъминлаб турибмиз.

Нурчиларимизнинг ғайрат-шижоатга тўла фидокорона меҳнати яхши самаралар бермоқда. Даромад ва фойда олиш кўнгилдагидек бўляпти. Бундан, аввало, жамоанинг ўзи моддий манфаат кўрмоқда. Фойданинг салмоқли қисми ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилмоқда. Шу маблағ ҳисобига уларга тиббий, савдо, маиший хизмат кўрсатувчи бутун бир мажмуа барпо этилди. Нурчиларнинг ишдан сўнг маданий дам олишлари учун яхши шароитлар яратилган. "Энергетик" ўйингоҳимиз қишин-ёзин улар хизматида. Бу ерда спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш, саломатликни мустаҳкамлаш мумкин. Профилакторий бирнеча йилдан бери ишлаб турипти. Ҳар гал бу ерда 60 нафарга яқин нурчилар ва уларнинг оила аъзолари ўз дардларига шифо топадилар, соғлиқларини яхшилайдилар, бунинг учун деярли ҳақ олинмайди.

Корхонамизда болалар боғчаси масаласи ҳам ҳал қилинган. 240 ўринли матабгача ёшдаги болалар муассасаси ишлаб турипти, унда нурчиларимизнинг жажжи фарзандлари соғлом тарбияланишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Боғча ҳақи рамзий тўланади. У ҳар бир тарбияланувчи учун қилинадиган сарфнинг жуда оз фоизини ташкил этади. Бунинг учун асосий маблағни корхонамиз ўз ҳисобидан ажратади. Ошхона муттасил ишлайди, таомлари ҳам нисбатан арзон. Ишчи-хизматчиларимизга ҳар куни овқатланиш учун 35 сўмлик талон бериб турибмиз.

Нурчиларимиздан бирор киши моддий қийналиб, ёрдамга эҳтиёжманд бўлиб қолса иложи борича унинг мушкулини осон қилишга интилдик. Шундайларга йил бошидан бери 3 миллион 200 минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, узоқ йиллар давомида ишлаётган, корхонага хизмати кўп синган ишчи-хизматчилар ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинди. Улар ўтган йил мобайнида 6 миллион сўмдан зиёд устама ҳақ олишди. Аёлларимиз янги кўрган фарзандини 2 ёшгача тарбиялаш даврида корхонанинг моддий ёрдамидан бахраманд бўлиб турдилар. Бундай ишлар янги йилда ҳам давом эттирилади. Зеро, йўлбошчимиз Ислом Каримов бу йилни Оила йили деб эълон қилди. Биз бу даъватни мамнуният билан кутиб олдик. Оилалар фаровонлигини ошириш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Суҳбатни Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ходими Неъмат РАФИҚОВ ёзиб олди.

КИТОБЛАР СОНИ КЎПАЙДИ

БУТУН Республикамиз, хусусан, вилоятимиз халқ хўжалигига етук мутахассислар тайёрлаб бериш йўлида астойдил изланаётган Тошкент Давлат Аграр Университети кутубхонасида дарсликлар, қўлланма ва рисолалар, бадиий адабиётлар сони янада кўпайиб, 907 мингдан ошиб кетди.

Зиёхона кутубхоналараро китоблар алмашув тизимида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

— Айни пайтда, — дейди кутубхона мудири Гулбаҳор Ғойипова, — қулайлик яратиш мақсадида жавонлардан адабиётларни кутубхоначи эмас, талабаларнинг ўзлари танлашлари йўлга қўйилди.

Саид ВАЛИЕВ.

ЯНГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР ЎРГАТИЛМОҚДА

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш даврида унинг турли тузилмаларини мутахассис ходимлар билан таъминлаш муҳимдир. Шунинг учун ҳам бундай касб эгаларини тайёрлаш билан шуғулланувчи муассасалар сони тобора кўпайиб бормоқда. Вилоятда шу мақсадда қатор ўқув марказлари ташкил этилди. Ҳунартехника билим юртлари негизида бизнес-мактаблар тузилмоқда. Бундан ташқари, Паркентда хусусий бизнес мактаб, бошқа жойларда ўндан ортиқ қисқа муддатли курслар ишлаб турипти.

Айниқса, Олмаликда ташкил этилган шундай муассасаларнинг бири — бизнес-инкубатор жамоаси фаолияти самарали бўлмоқда. Бу ерда маркетинг ва менежмент соҳасидаги мутахассисларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича ташкил этилган марказнинг фаолияти диққатга сазовордир. Ҳозир бу даргоҳда чет тиллар ва компьютерда ишлаш кўникмалари ўргатилмоқда, ҳисобчилар тайёрлаш курси ишлаб турипти. Марказ мутахассислари тадбиркорлик тузилмаларига илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда, экспорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ёрдам берадилар, консальтинг ва аудитор хизмати кўрсатадилар, реклама-ноширлик фаолиятини уюштиришда кўмаклашадилар.

Шу кунларда марказда сал кам юз нафар киши ўқимоқда. Жумладан, 20 нафар талаба электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тайёрлашни ўрганмоқда. 60 киши эса бундай замонавий техника воситаларида оператор бўлиб ишлаш малакасини эгалламоқда. Талабни ҳисобга олиб, ўқитишнинг бошқа турларини ташкил этиш ҳам назарда тутилмоқда.

Собир МАҲМУДОВ.

СУРАТЛАРДА: Корхона фаолиятидан лавҳалар.
Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

ХОРИЖЛИКЛАРГА МАЪҚУЛ

— Меҳнатинг ҳақида биров самимийлик билан илиқ сўзлар айтса, дилинг яйраб кетар экан, — дейди "Ўзбекистон" пахта тозалаш заводи тойлаш цехининг бош механиги Суҳбат Соатуллаев. — Янги ҳосилни қайта ишлаб, дастлабки маҳсулотни Италияга жўнатган эдик. Юборган толамиздан хурсанд бўлиб, ҳорижлик фирмалар раҳбарлари миннатдорчилик билдиришибди. Бу ишчиларимиз руҳини кўтариб юборди. Кейинги ҳафталар ичида унумдорлик янада ортди.

Корхонага янги тайинланган директор Шамсиддин Эшқувватов бизга фақат Италиядангина эмас, Швейцария, Нидерландия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан ҳам мамнунлик изҳор қилинган мактублар олингани хусусида гапириб берди.

Албатта, завод жамоаси бундай ҳурматга сазовор бўлиши учун инсон манфаатлари йилида қатор хайрли ишларни амалга оширди. Мавжуд технология замонавий талаб даражасида таъмирланди. Айни пайтда меҳнат интизоми қатъий изга туширилди. Ҳар бир ҳудудда саранжом-саришталикка, тежамкорликка эришиш, вақтдан унумли фойдаланиш, мавжуд дастгоҳлар, автомат узатгичларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича ҳам аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Тойлаш, уруғлик ажратиш цехларида дастгоҳлар бугунги

Ислоҳот одимлари

талаблар даражасида бўлишига эришилди. Эндиликда бу жойларга кирган киши орасталик, меҳнат жўшқинлигини кўриб кўзи қувонади.

Ўтган йилги мавсумда корхона Юқоричирчиқ туманидаги 11 та хўжаликдан 20 минг 800 тонна ҳосилни бетўхтов қабул қилиб олди. Заводдаги мавжуд техниканинг созлиги туфайли хомашёни бунтлаш, ёғин-сочиндан асраш ҳам сифатли бажарилди.

— Муваффақиятларга эришувимизда малакали мутахассислар хизмати катта бўлмоқда, — дейди Ш. Эшқувватов. — Кўп йилларидан бери ўз ихтисосликларини пухта эгаллаган, бой тажриба орттирган Муроджон Зулфиқоров, Дилором Асилова, Насиба Суибекова, Равшан Тешабоев, Отажон Каримов, Сайдулла Рустамов, Лена Ким, Эркабой Туронқулов сингари мутахассислар ёшларга мураббийлик қилмоқдалар.

Ўз суҳбати давомида завод раҳбари ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасидаги тадбирлар ҳақида ҳам тўхталди. Ўтган йилнинг ўзида 40 дан зиёд киши санаторий ва профилакторийларда саломатлигини мустаҳкамлади. 100 нафардан кўпроқ болалар турли оромгоҳларда ҳордиқ чиқардилар. Ҳар ойда ишчиларга ун, ёғ, макарон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бериб борилмоқда. Маошлар ҳам ўз вақтида тўланяпти. Жамоа аъзоларининг ҳаммасига тушлик иссиқ овқат бепул ташкил этилган.

Бундай ғамхўрликка жавобан корхона ходимлари, ишчи ва хизматчилари ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиб, ўз жамоалари мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Ҳасан САИДОВ.

МАЖЛИС КОРХОНАДА ЎТКАЗИЛДИ

"Бекободцемент" ҳиссадорлик жамияти республика қурилиш материаллари саноатининг йирик корхоналаридан ҳисобланади. Унинг жамоаси ҳар йили қурилишлар учун минглаб тонна цемент, кўплаб шифер ва асбоцемент қувурлари етказиб бермоқда. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш, илғор технологияларни қўлланиш қатори экологияни яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги ишлар ўзининг самарасини берди.

Лекин, шунга қарамай, ҳиссадорлик жамияти атроф муҳитни ҳамон ифлослантириш манбаи бўлиб қолмоқда. Унинг айрим бўлинмаларида табиатни муҳофаза қилиш ишлари суст олиб бориляпти. Айниқса кон цехидаги ахвол афсусланарлидир. Бу ерда кўплаб яроқсиз жинслар тўпланиб қолди, чанг-тўзон атрофга ёйилмоқда. Бу ҳақли равишда унинг яқинида истиқомат қилувчиларнинг норозиликларига сабаб бўлаяпти.

Атроф-муҳит мусаффолиги учун

Цехда тозалаш иншоотлари қурилмаган, асбоб-ускуналар чанг-газни ушлаб қолувчи анжомлар билан таъминланмаган. Маҳсулотни ортишда ҳам махсус ускуналанган автотранспортдан фойдаланилмаяпти. Шундай ахволнинг таркиб топишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Кон цехи бошлиғи М. Умаров, бош муҳандис ўринбосари А. Пянзов, цемент омбори мудири У. Раҳмоновлар ўз вазифаларига лоқайдлик билан муносабатда бўлганликлари учун жами 6750 сўмлик жарима билан жазоландилар.

Минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси кон цехида ночор экологик ахвол таркиб топганлиги ҳақидаги масалани корхона жамоасига маълум қилишни лозим деб топди. Шу мақсадда ҳиссадорлик жамиятида қўмитанинг кўчма мажлиси ўтказилди. Унда камчиликлар биргаликда таҳлил қилинди ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Эркин РАҲМАТОВ, Бекобод минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси.

ОЛАМДА НИМА ГАП

МАРШАЛЛ МАРКАЗИДА

ЖОРЖ Маршалл номли Оврупо маркази Олмониянинг Гармиш шаҳрида жойлашган. Яқинда бу ерда таҳсил олган 84 нафар юқори мартабали зобитлар навбатдаги ўқув дастурини ниҳоясига етказдилар. Улар орасида уч нафар Ўзбекистон вакили ҳам бор эди. Талабаларни ўқувни тугатганлари билан АҚШнинг Олмониядаги элчиси Жон Корнблюм ва Маршалл марказининг янги директори Роберт Кеннедилар табрикладилар.

Навбатдаги ўқув жараёнида 31 мамлакатдан келган ҳарбийлар, мудофаа ҳамда ташқи ишлар вазирликлари ходимлари миллий хавфсизликни шакллантириш ва ривожлантириш, фуқаролик-ҳарбий муносабатлар, демократик жамиятда мудофаа саноатини бошқариш, шунингдек, айрим минтақалардаги ҳарбий ҳолатларга доир мавзулардаги маърузаларни тингладилар. Сабоқлар инглиз, рус ҳамда немис тилларида ўтказилди. Маршалл марказидаги малака ошириш тадбирлари Америка, Оврупо ҳамда Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиздир.

ДЕНГИЗДАГИ "САФАР" ХАЙРЛИ ТУГАДИ

МАЪЛУМКИ, ўтган йил охирида қубалик бир гуруҳ бейсболчилар маъмурларнинг буйруғи билан севимли машғулотларидан маҳрум этилган эдилар. Шундан кейин Куба спортчилари норозилик билдириб, яширин равишда кичик кемада мамлакатни ташлаб чиқиб кетишга азм қилдилар. Ниҳоят, қалтис хавф-хатарлардан сўнг саккиз нафар бейсболчилар Багама оролларига етиб келдилар. АҚШ маъмурлари Орландо Эрнандес Педросо, унинг рафиқаси, шунингдек, Алберто Эрнандес Пересга АҚШга киришга рухсат бердилар. Қолган спортчилар Багама оролларига қолдилар. Уларнинг тақдирини маҳаллий ҳокимият ҳал қилади.

ЙЎЛЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

ШУ ЙИЛ 10 февраль куни Болгария президенти Петр Стоянов Вашингтонга расмий ташриф билан боради. Сафар чоғида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, қизил импе рия истибдодидан қутулган мамлакатларда демократ атик тамойилларни қарор топтириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилиши кутилмоқда. Яқинда АҚШ савдо ва тараққиёт маҳкамаси томонидан темир ва автомобиль йўллари хавфсизлиг ини таъминлаш мақсадида Болгарияга 600 минг доллар ажратилганлиги, жаҳон жамоатчилиги назидда, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тиғизлашиб бораётганлигидан дарак бермоқда, деб баҳоланмоқда.

ПОЛ ПОТ ТОПИЛДИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонларида етмишинчи йилларда Камбоджа халқининг бошига катта мусибат солган исёнкор Пол Потнинг дафъатан ўз қароргоҳидан йўқолиб қолганлиги ҳақида хабар берилган эди. У Хитойга қочиб кетган, деб тахмин билдирилди. Лекин, куни кеча "қизил кхмерлар" раҳнамоси мамлакат шимолида, чангалзорлар орасида жойлашган ўз қароргоҳида эканлиги маълум бўлди. Қариб, юролмай қолган Пол Пот ўз тарафдорлари томонидан умрбод уй қамоғига маҳкум этилган экан.

"СУВ ПАРИСИ" НОМИ БИЛАН

ЯҚИНДА Ўрта Ер денгизида АҚШ, Исроил ҳамда Туркия ҳарбийлари биргаликда машқ ўтказдилар. У "Сув париси" деб аталди. Машқларнинг боришидан ташвишланган Сурия, Ироқ, Эрон сингари мамлакатлар бундай тадбирлар ўтказилишини танқид қилдилар. Яқинда Америка томони ҳамкорликда ўтказилган ўқув машғулотларидан хайрли мақсадлар кўзланганлигини ва улар бирон-бир мамлакатга қарши қаратилмаганлигини яна бир бор эслатди.

БИРЙЎЛА БЕШ ЭГИЗАК

ЎТГАН якшанба куни Ханти-Манси мухтор округининг Светлий қўрғонида яшовчи 24 яшар Надежда Ярославская бирйўла беш эгизакни дунёга келтирди. Бир қиз, тўрт ўғилнинг онаси ўзини яхши ҳис қилмоқда. Ўрислар ҳаётида камдан-кам учрайдиган бу воқеа анча-мунча шов-шувга сабаб бўлди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

БУГУН — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ХИЗМАТИНГГА КАМАРБАСТАМИЗ, ЖОНАЖОН ДИЁР!

ВАТАН ҳимоячиси... Бу юксак ном бизга мустақиллик шарофати туфайли қайтарилди. Ана шу улуғ сўзни дилдан ҳис қилган киши юрт истиқболи равнақини, аждодларимиз яшаб ўтган муқаддас заминни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни ўзлари учун шарафли бурч деб ҳисоблайди. Айниқса, Ватан ҳимояси Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбийлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Ана шундай матонатли касбни танлаган зобитлар ҳамда ўз йигитлик бурчларини муваффақиятли адо этаётган посбонлар орасида Тошкент вилоятининг вакиллари ҳам анчагина топилади.

Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ҳамда мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш учун қабул қилинган "Мудофаа ҳақида", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлар юрт фаровонлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиши, шубҳасиздир. Армиямизни тубдан ислоҳ қилиш, унинг мудофаа қудратини юксалтириш, жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларни кучайтиришга асосий эътибор қаратилди. Натижада, Қуролли Кучларимизда ҳар томонлама ўсиш суръати ортди. Буни Тошкент вилояти мисолида айтиб ўтишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда ҳарбий мутахассис ходимларга эҳтиёж кучли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада Тошкент вилояти сарбонлик қилаётир. Вилоятимизда офицерлик касбини танлаётган ёшлар сонининг ортиб боришини жойларда ҳарбий-ватанпарварлик ишлари яхши йўлга қўйилганлиги билан изоҳласак ҳам бўлади. Масалан, ўтган 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан вилоятимизда ҳарбий-техника мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш топшириғи ортиғи билан бажарилди. Шунингдек, баҳорги ва кузги чақирув ишларида ҳам яхши натижаларга эришдик. Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида хизмат қилаётган аскарлар, ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар ўртасида мунтазам равишда ҳар хил тадбирлар ўтказиб турганлигимиз яхши натижалар беряпти. 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини ҳам посбонларимиз кўтаринки руҳда, аъло ва яхши хизматлари билан кутиб олмоқдалар. Ана шу байрам арафасида Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси, Қибрай тумани ҳокимлиги ва мудофаа ишлари бўлими ҳамкорликда Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ҳамда Жиззах вилоятидаги ҳарбий гарнизонларга сафар уюштиришди. Делегация аъзолари таркибида аскарларнинг ота-оналари, хонандаю-созандалар, Қибрай тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, "Маҳалла", "Камолот" жамғармаларининг туман бўлинмалари раислари, шифокорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари бор эди. Ушбу тадбирдан кўзда тутилган мақсад, зобит ва аскарларни байрам билан табриклаш, уларнинг хизмати ва қисмлардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш, шунингдек, айрим ота-оналар кўнглидаги ҳавотирланиш ҳисларини йўқотиш эди. Ҳақиқатдан ҳам делегация таркибидаги ота-оналар аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишиб, у жойда яратилган шароитлардан беҳад мамнун бўлдилар. Келгусида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам мана шундай гуруҳлар тузиб, республикамиздаги ҳарбий гарнизонларга юборишни режалаштирганмиз. Ўйлайманки, бундай тадбирлар посбонларимиз руҳини кўтарибгина қолмасдан, балки, маънавий баркамол бўлишида ҳам катта аҳамият касб этади. Ота-оналар эса ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаётган фарзандларидан кўнгли тўқ бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча касбдошларимизни, Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида юрт фаровонлиги, эл осойишталиги йўлида туну-кун тиним билмасдан хизмат қилаётган зобиту аскарларимизни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайман. Муқаддас ва шарафли бурчларини виждонан адо этишларида муваффақиятлар тилайман.

Раҳматулла ТОШХЎЖАЕВ,
Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник.

Жанговор машғулотларга киришишдан олдин ҳарбий техниканинг мукаммал ва созлигига ҳар жиҳатдан катта аҳамият қаратиш амалий машқларнинг пухта ўтиши учун замин яратади. Зеро, қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади, — дейдилар-ку!

* * *

Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида посбонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Аскарларимиз бўш пайтларида шинам ва озода маънавият хонасида телевизор томоша қилишади, газетаю журналлар мутолаа қилишиб, дам олишади.

СУРАТЛАРДА: амалий машғулот пайти; аскарлар ўз яқинларига мактуб ёзишяпти.

В. БАГАЕВ ва А. РИСКИЕВ олган суратлар.



АСКАР ЙИГИТ

Бир, икки... тенг ташла,
Қадамингни кенг ташла!
Ўзбек элин ўғлиман,
Кучга тўла билагим.
Автоматим қўлимда,
Тинчлик менинг тилагим.

Қани дўстим, бўш келма,
Байроқни баланд кўтар.
Шаҳдам ташлаб қадамлар:
Юртим посбони ўтар.
Ёруғ бўлди рост ҳилол,
Бизга кулди Истиқлол!
Бор кучимни сарфлайман,
Порлоқ бўлсин истиқбол!
Бир, икки... тенг ташла,
Қадамингни қенг ташла!

Абдураззоқ ОБРЎЙ.

СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

ҚУРОЛЛИ Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида виждонан хизмат қилаётган посбонлар орасида вилоятимиздан аскарликка чақирилган йигитлар кўпчиликни ташкил этади. Улар хоҳ артиллериячилар, мотоўқчилар, учувчи-ю десантчилар, автомобилчилару хоҳ ҳарбий қурувчилар қисмида бўлсин ўз бурчларини шараф билан бажариб, жонажон Ўзбекистонимиз ва вилоятимиз обрўсини оширишда ҳурмат қозонмоқдалар. Қуйида ана шундай аскар йигитлар ўзлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДАМАН

— Хизматим давомида бўлиб ўтган бир воқеани ҳеч эсимдан чиқара олмасам керак. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидан ҳарбий хизматга чақирилганимдан сўнг десантчи оддий аскар бўлиб хизмат қила бошладим. Илк бор жанговар ўқув машғулотида қатнашмоқда эдим. "АН-2" русумли баҳайбат самолётда осмону фалакда учиб юрибмиз. Навбатдаги вазифа ана шу самолёт бортидан парашютда пастга сакраш бўлди. Дастлаб, командир-учувчи томонидан "тайёрланинг" деган буйруқ берилганда, вужудимни қўрқув босганлиги сир эмас. Лекин, йигит кишининг ғурури қўрқоқликка йўл қўймас экан. Ўзимни қўлга олиб, бошлиғимиз томонидан топширилган вазифани виждонан бажаришга киришдим... Қарабсиз-ки, ўқув машғулотларининг якуний хулосасида командирим топширикни аъло даражада бажарган деб, менинг исми-шарифимни тилга олди. Бу биринчи мукофот эса менга десантчиликнинг сирсиноатларини янада пухта ўрганишим учун йўлланма бўлди. Бундай ютуқни қўлга киритишимда зобитлар билан бир қаторда экипаж командири, сержант О. Санақулов ва Н. Жуманиёзовлар яқиндан ёрдам бериб, ўз маслаҳатларини дариғ тутишмайди.

Ҳа, биз аскарлар юрт осойишталиги, эл фаровонлигини ҳимоя қилишимиз учун ҳар доим шай ҳолда туришимиз керак. Бунинг учун ҳарб илмини пухта ўрганмоқ лозим, деб биламан. Десантчилар қисмида хизмат қилаётганимдан беҳад мамнунман.

Баур РИСКЕЛДИЕВ, оддий аскар.

БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ

— Хизматга келмасимдан олдин ўз йигитлик бурчларини ўтаб қайтган таниш акаларимдан армия ҳақида, у ердаги тартиб-интизом хусусида кўп гаплашардик. Дарҳақиқат, армияга келган биринчи кунимданоқ бу жойда интизом ниҳоятда кучли эканлигига амин бўлдим. Ҳамма нарса қонун асосида, белгиланган вақтда амалга оширилар, айниқса, тозаликка жуда катта эътибор қаратилар экан.

Армиянинг бундай қонун-қоидаларига тез орада кўникиб, хизмат бурчимни артиллериячилар қисмида бошладим. Менга ва барча сафдош дўстларимга капитан А. Бўриев ҳамда қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари катта лейтенант В. Амировлар илиқ муносабатда бўлишиб, хизматимизни аъло даражада ўташим учун йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб бордилар. Бугунги кунда оддий аскарлар Ўткир Каримов, Забидулла Расулов, Зариф Султонов каби дўстларим билан биргаликда ҳарб илмини чуқур ўзлаштирмоқдамиз. Бунинг учун ҳарбий қисмимизда барча шарт-шароитлар муҳайё. Ётоқхонамиз кенг, шинам ва озода. Зобиту сержантлар аскарлар билан яхши муносабатда бўлишади. Ана шундай жойда хизмат қилиш эса киши қалбига завқ бағишлайди.

Даврон АНОРБОЕВ, тўпчи.

Қишлоқ мулкдорлари

ЖЎРА ФЕРМЕР ДЕЙДИЛАР УНИ

Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги хусусийлашган «Роҳатой» чорвачилик фермаси мудири Жўра ака МАҲАМАТОВ ҳикоя қилади.

Ёши элликларга борган, ўрта бўйли, миқтидан келган, табиатан юмшоқ кўнгил бу одам билан ўзининг мўъжазгина иш жойида, фермaнинг мутахассислари билан биргаликда суҳбат ўтказдик. Табиийки, мен у киши билан одатдагидек газетанинг мухбири сифатида гаплашдим. Назаримда у астойдил очилмасдан, тортиниброқ сўзларди. Шу аснода унинг ҳаёти, ишлари ҳақида баъзи бир маълумотларни ён дафтаримга ёзиб олдим. Мана улар: Жўра ака фермани 1996 йилда хусусийлаштириб олган. Барча мол-мулк, иморатлари, техникалари билан ферма 4 миллион сўмга баҳоланган эди. У бошламасига 400 минг сўм тўлади. Шартнома тузилди. Олти йил давомида қарздан узилиши керак. Ҳозиргача 1,5 миллион сўм тўланди.

У фермани қабул қилиб олганида 381 бош қорамол бор эди. Шундан 200 дан ортиғи соғин сигирлар ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб фермада 180 бош соғин сигир соғилмоқда. Ўтган икки йил ичида гарчи сигирлар бош сони камайган бўлса ҳам ялпи сут етиштириш анча кўпайди. Бу йил ҳар бош соғин сигирдан 3100 литрдан сут соғиб олишни мўлжалламоқдалар. Ферма ғўшт етиштириш режасини ҳам йилдан-йилга ошириб бажармоқда ва ҳоказо.

Табиийки, мен расмий равишда ўтказилган суҳбатдан қониқмадим. Ҳамма газетабоп гаплар, мулоҳазалар эса Жўра ака билан бир пиёла чой устида, йўлда, машинада кетаётган пайтда самимий, дилкашлик билан ўтказилган суҳбатда юзага қалқиб чиқди...

Эсимни таниганимдан буён чорванинг ичидаман. Суягим меҳнатда, таъбир жоиз бўлса чорвада қотган. Механизаторлик қилдим, узоқ вақт қўлимдан белкурак тушмади. Молбоқарлик қилдим. Ҳатто сигир ҳам соғдим. Менинг ҳақимда марказдан келган мухбир эшитиб қолибди, келиб кўрди, газетага сут соғувчи йигит, деб мақтаб ҳам ёзиб чиқди.

Лекин бола-чақа кўпайган сари рўзғор ташвиши, сарф-ҳаражат ҳам кўпаяркан. Ана шуни ўйладим-да, 10 гектар ер олиб, деҳқон-фермер бўлдим. Бу ерда ҳам чорвачилик билан шуғуллана бошладим. 30 та қорамол ушладим. Шундан 11 таси сигир эди. Йилига 33 тоннага етказиб сут топширдим. Бир сигирдан 3300 литрдан сут соғиб олдик.

Лекин... Бир куни собиқ раисимиз Аҳмаджон Умаров (касалхонада ётган эди) мени чақиртириб қолди. У ёқдан-бу ёқдан суҳбатлашдик. Энди Жўра ака, сиздан бир илтимос, деди Аҳмаджон, — соғлиғим, биласиз, яхши эмас, ўзимдан ўтганни ўзим биламан. Фермани кимошди савдосига қўйиб сотмоқчимиз. Тошкентдан икки-уч бойвачча харидор бўлиб, ўралашиб юрибди. Лекин уларга сотишга менинг кўнглим чопмаяпти. Шу ферма бегона қўлга тушмасин, уни сиз сотиб олинг. Мен хотиржам бўламан.

Аввалига қандай бўларкин, дедим. Яхши бўлади, деди раис. Мен биламан, сизнинг қўлингиздан келади, уддалайсиз. Хуллас, ўша куни Аҳмаджон мени кўндирди. Уйдагилар, қариндош-уруғ билан гаплашиб, озроқ пул тўпладим...

Фермани ўзимизники қилиб олгач, ҳаммаёқни айланиб чиқдим. Таъмирлашни молларнинг туғруқхонасидан бошладим. Анча хароб бўлиб қолган экан. Усталар тахта керак, дейишди. Қаердан оламан, деб ўйлаб ўтирмадим. Ўйда 10-15 та терак ўстириб қўйган эдим. Қесдим. Тилдириб тахта қилдим. Тез орада туғруқхона таъмирдан чиқиб, рисоладагидек бўлди.

Молхоналарни ҳам қўлдан келганча мутасаддиларнинг далдаси ва ёрдами билан баҳоли қудрат созлаб олдик.

Ана шундан сўнг мутахассислар билан биргаликда молларни бирма-бир кўрикдан ўтказдик. Зоти яхши, қора-ола зотли моллар. Аслида уларнинг аксарияти қариб қолган, алмаштиришни талаб этади. Лекин, бунинг учун ўша пайтда имконият йўқ эди. Шунинг учун жуда пачоқ ҳисобланганларини гўштга топширдим. Сал ярайдиганларини олиб қолдик. Улар орасида 10-15 литр сут берадиганлари ҳам йўқ эмасди. Асосий эътиборни ана шу сигирларга, улардан олинадиган бузоқларнинг соғлом бўлишига қаратдик.

Чорвачилик асли бузоқчиликдан бошланишини ҳисобга олиб, ҳаммамиз бу ишга ёпишдик.

Сигирлардан наслли, соғлом бузоқ олиш учун уларни сунъий урчитган маъқулми ёки табиий йўл биланми. Фермада узоқ йиллар ишлаб, билган ва кўрган эмасманми, кўпинча сунъий йўл билан қочирилган сигирлардан кўнгилдагидек насл олинмасди. Чунки баъзида кафолатсиз, эскириб қолган, айниган уруғларни беришарди-да! Ана шуни ўйладим-да, табиий йўл билан қочиришни афзал кўрдим. Шу мақсадда "Қизил шалола" жамоа хўжалигидан энг зотдор, онаси 20-30 литрлаб сут берган сигирлардан олинган буқаларни сотиб олиб келдик. Махсус жойда, махсус озуқа билан боқа бошладик. Натижа ўйлаганимиздек бўлиб чиқди. Агар илгарилари ҳар 100 бош сигирдан 50-60 та бузоқ олинган бўлса, ўтган йили биз 90 тага етказдик.

Сир эмас, бир вақтлари битта жамоада ота-бола, ака-уканинг ишлаши айб, гуноҳ ҳисобланарди. Мустақиллик шарофати билан бундай иллат ўз-ўзидан йўқолди. Нафсиламбирини айтадиган бўлинса, жамоада ўзингнинг яқинларинг ишлаганига нима етсин. Ботиниб иш буюрасан, йўл қўйган камчилигини кўрсатиб, қойийсан, маслаҳат берасан. Энг муҳими тергаб турасан.

Ҳозир бизнинг жамоада 35 киши ишлаётган бўлса, уларнинг кўпчилиги менга тегишли одамлар, оиламиз аъзолари, ўғилларим, жиянларим, ака-укаларим. Бири шофер, бири чиланғар, бири молбоқар, бири бошқа иш қилади. Лекин ҳеч кимда

"сеники, меники" деган кайфият йўқ. Ҳар ким қўлидан келадиган ишни бажариб кетаверади. Менинг ўзим ҳам бошлиқман, мудирман, деб қараб турмайман. Шунинг учун бўлса керак, бошқалар ҳам жонларини жабборга бериб ишлашмоқда.

Бу дунёда ҳар биримиз бир-биримизга суяниб яшаймиз. Кўнгил кўнгилдан сув ичади. Мен буни дилдан ҳис қиламан. Табиатим шунақаки, бирон одам у ёки бу нарсани илтимос қилиб келса, ёрдам сўраса, иложи борича ҳожатини чиқаришга ҳаракат қиламан. Бошқаларни ҳам ўзим сингари тасаввур қиламан. Шунинг учун ҳам мутасаддилар, қишлоқ хўжалигига даҳлдор мутахассислар билан учрашиб қолсам, имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Тунов куни мол дўхтиримиз Жўра ака, жониворларнинг соғлом бўлиши касалликка чалинмаслиги учун мана бу 10-15 хил дори керак, деб рўйхати ёзилган қоғозни берди. Буни қаранг-ки, шу орада фермамизга туман давлат ветеринария назорати бошлиғи Шуҳрат Солиев келиб қолди. У ҳам бир вақтлари фермамизда ишлаган. Унинг келганидан фойдаланиб, қани, юр-чи, молларни бир кўздан кечириб бер, ҳаммаси соғломми, касали йўқми, деб айлантирдим. Жўра ака яхши, молларингиз тоза, вақтида эмлаб жуда тўғри иш қилибсизлар, деди. Сўнг кетаётганида бояги рўйхатни унинг қўлига тутқаздим. Сенинг таниш-ларинг кўп, дедим. Хўп бўлади, деб жавоб берди у.

Лекин энг асосийси соғлом ва наслли молларни биркитилган ердан оқилона фойдаланиб, етарли емиш билан таъминлаш тўғрисида ўйлаймиз. Ердан олинадиган ҳосилнинг салмоғи ва сифати эса ишлов билан бирга сара уруғга ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ҳисоблаб чиқсам, дастлабки йили 500 минг сўмлик уруғ сотиб олибмиз. Хўш, нега шу уруғни ўзимиз етиштиришимиз мумкин эмас, деган мақсадни кўйдим. Далада ишлаётган деҳқонларимиз мумкин, деб айтишди. Жўхорининг "Оқ тиш" навли уруғини сотиб олдик. Бўйи тўрт метр бўлиб ўсади. Парваришни қойил қилсангиз икки-учтадан сўталайди, бир-ярим қаричгача етади. Ана шу жўхори уруғини экиб, мўл ҳосил олиб, унинг бир қисмини уруғ учун ажратиб қўйдик.

Ўзинг хўжайин бўлганингдан сўнг ўзингнинг бошингга тушган қорни ўзинг қурашинг, муаммоларни ўзинг ҳал этиш йўлини қидиришинг керак. Бизда жўхори уруғини борлигини эшитганлар харидор бўлиб келишди. Паркентлик ҳамкасбларимга беда уруғига алмашамиз, дедим. Улар рози бўлишди. Ўзимизнинг тумандаги хўжаликлардан бирига эса 5 минг 200 килограмм сўталик жўхори уруғи эвазига 30 тонна қунжара, 20 тонна шелуха олдим. Яна иккита хўжалик билан ҳам шу тариқа айрибошлаш қилдик. Кўшни — қозоғистонликлар билан ҳам алоқамиз самарали бўлмоқда. Улар бизда беданинг таги мўл, келиб ўз техникаларингиз билан ўриб, боғлам-боғлам қилиб олинглар, ярмини бизга бериб кетсаларинг бўлгани, дейишди. Бу таклифга ҳам рози бўлдик.

Ҳар йили ана шу тариқа молларга қиш учун етиб-ортадиган озуқани ғамлаб олишга эришмоқдамиз.

Лекин халқимизда қўлдан берганга қуш тўймас, деган нақл бор. Еб турган молларга тоғ ҳам чидаш бермайди. Ёз пайтида далада етиштириладиган озуқадан қишга кўпроқ ғамлаб қўйиш учун нима қилиш керак? Яйловда боқамиз, десак, бизда имконият йўқ. Шу ҳақда кўп ўйладим ва охири ҳисоб-китоб билан раисимиз Комилжон Каримов олдига кирдим.

Ҳар бир қорамол кунига кам деганда 30 килограмм хашак истеъмол қилади. 200 та мол эса олти ойда 10 минг тонна хашак ейди. Бу 500 минг боғламни ташкил этади, бир боғлам хашакнинг ўртача бозор нархи 100 сўм дейлик, бу миллион-миллион сўм пул бўлади. Шунинг учун молларимизни апрелдан то сентябргача Оҳангарон яйловларига олиб бориб боқишни ташкил қилсак бўлмайдими? Яйлов ҳақи-ижара ҳақига арзимаган пул тўлаймиз, лекин жуда катта миқдордаги маблағни тежаб қоламиз. Ана шу пуллар ҳисобига қишлов учун етарли ем сотиб олса бўлади. Яна шуниси ҳам борки, моллар дармон-дориси, еми ичида бўлган тизза бўйи ўтлардан тўйиб озиқланиб, қишлов олдидан семириб қайтади. Бу гаплар раисимизга ҳам жуда маъқул бўлди. Ва бу режани амалга оширдик.

Гап келиб қолди, айтволай. Кейинги пайтларда хусусийлашган фермалар синяпти, инқирозга учраяпти, деган гапларни кўп эшитаяпмиз. Сабаби аён. Ўзингиз яқинда ёзганингиздек, ўша ерларда хўжалик раҳбарлари хусусийлашди-ку, деб фермага қарамай қўйдилар, жавобгарликни бутунлай ўз гарданларидан соқит қилдилар. Менинг бахтим шундаки, хўжалигимизнинг янги раҳбари Комилжон билан юлдузимиз тўғри келиб қолди. У ҳам бир вақтлари чорвада ишлаган. Фермaнинг яхши бўлиши — хўжаликнинг юзи, дейди. Кунда бўлмаса ҳам кунаро келиб, ҳол-аҳвол сўрайди. Қўлидан келган ёрдамини аямайди. Шунинг учун ҳам фермани анча тартибга келтириб олдик. Биноларни қишга барвақт тайёрладик, оқладик. Чоғроққина бўлса ҳам иссиқхонани ишга туширдик. Помидор ўзимиздан чиқади. Яна бир катта иссиқхона қуряпмиз. Усталар ўзимиздан. Ошхонани ҳам ишга туширдик. Тушлик овқат бепул. Чорвадорларни коржомалар билан текин таъминлаймиз. Бундан ташқари, рўзғорларини даламизда етиштирилган картошка, сабзавот маҳсулотлари билан озми-кўпми таъминлаймиз. Ойлик маош қанчадан тўғри келяпти, дейсизми, ҳозирча камроқ: 3-4 минг, олди соғувчилар 5-6 минг олишяпти. Лекин улар нолишмайди. Ҳамма жамоада бўлганидек биз ҳам ўтиш босқичида эканлигимизни, вақти келиб, бизнинг турмушимиз, яшаш тарзимизга бошқалар ҳавас қиладиган кунлар келишига ишончлари комил уларнинг. Пойдеворни мустаҳкамлаяпмиз-да. Бора-бора фермадаги сигирлар зотини бутунлай янгилаб оламиз. Ҳозир 45 та ғунажин боқяпмиз. Келгуси йилнинг майидан бошлаб бузоқлайди. Бу ғунажинлар 20-25 литр сут берадиган наслдор сигирлардан олинган. Бу ишни ҳар йили давом эттирамиз. Шундай йўл тутсак, яна уч-тўрт йилдан сўнг фермамизда 15 литрдан кам сут берадиган сигир қолмайди. Қарабсизки, чўмичимиз ҳам, қозонимиз ҳам мой. Ана ўшанда 250-300 сигирдан сут соғсак, қайта ишлаш цехини қуриб, бемалол ишга туширсак бўлади. Нега ҳозир эмас, дейсизми? Агар очиғини айтадиган бўлсам, ҳозирги соғиб олинаётган сут миқдори, таннархи қайта ишлашнинг сарф-ҳаражатларини кўтара олмайди. Шуниг учун ҳозирча сутни келишилган нархда нақд пулга сотиб турганимиз биз учун маъқул ва катта фойда келтирмоқда. Ҳисобимизда 1 миллиондан ортиқ пулимиз бор. Қарзимиз йўқ. Хоҳлаган пайтда олиб, эҳтиёжимизга ишлатамиз. Ана шунақа гаплар, биродар.

Мен Жўра фермернинг расмий бўлмаган мулоқот чоғида айтган фикр-мулоҳазалари, гапларини хотирамда сақлаб қолишга ва иложи борича оқизмай-томизмай қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Эҳтимол, айрим фикрлари, мулоҳазаларини ёддан чиқаргандирман. Бундайлар билан, ишончим комилки, айнан уларнинг ўз одами, яқини, дилкаши бўлиб суҳбатлашсангиз, яна ҳам мазмунли, ёркин, фойдали гаплар ва мулоҳазаларни айтган бўлармидилар. Яна ким билади, дейсиз.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Жўра ака Маҳаматов ва молбоқар Рихсибой Каттабоев; Алишер Маҳаматов ва Валижон Ахматов иссиқ-хонада помидор ҳоси-лини кўздан кечириш-моқда.

Суратларни Даврон АҲМАД олган.

Қутлов

ОСМОН КЕНГЛИГИНИ ЮРАККА СОЛГИН...

...ВАҚТ тун ярмидан ошиб кетган. Уйнинг ичини яшил қалпоқ кийдирилган стол лампаси ёритиб турибди. Ташқарида совуқ қиш. Бутун маҳалла уйқуда. Фақат ёш она уйғоқ. У эндигина уч ойлик бўлган ўғлининг чеҳрасига меҳр билан тикилади. Иссиқ бағрида хотиржам уйқуга кетган чақалоқнинг лўппи юзларига қараб тўймайди. Она қалбини бирдан ширин ҳаёллар, қанотли орзулар чулғаб олади. Ўғлининг келажагини кўз олдига келтиришга тиришади... Инсоният тарихида қанчадан-қанча буюк зотлар ўтмаган дейсиз?... Ажойиб асарлари ила жаҳонга донг таратган олиму алломаларни, ўз халқи ва Ватан истиқлоли йўлида жангларда кирган паҳлавону баҳодирларни ана шундай оналар туққан ахир... У ҳам ўз ўғлининг эл учун катта-катта ишларни қила оладиган мард ўғлон бўлиб етишишини орзу қилади. Бу хил ширин орзулар таъсирчан она қалбини тўлқинлантиради. У ўғлини бешикка ётқизиб, қўлига қалам олади.

Ер кутармиш бир мўъжиза дунёга келса ўғлон,
Отлар кишнаб талпинармиш қозиқдаги эгарга.
Тоғ тебраниб қўзғалармиш сукутни қилиб вайрон,
Ўз бағридан зар ахтариб, эрга лойиқ камарга.

Кейин Урумчи шаҳрида Шинжонг дорилфунунида ўқиб, тил ва адабиёт бўйича олий маълумотли бўлди. Бир йил шу даргоҳда ўқитувчи бўлиб дарс берди.

Тақдир тақозосига кўра унинг оиласи 1962 йили Ўзбекистоннинг Тошкент вилоятига қарашли Оҳангарон шаҳрига кўчиб келди. Роҳила гарчи Шарқий Туркистонда олий билимга эга бўлиб келган бўлса-да, янги ватанда замонга яраша билим олиш мақсадида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига сиртдан ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади.

Заводда ишлаб, институтда сиртдан ўқиб, бола тарбиялаб юрган она ижод билан шуғулланишни канда қилмади.

Осмон кенглигини юракка солсам,
Денгиз чуқурлиги бўлса фикримда.
Ҳуснини баҳорнинг кўркидан олсам,
Олам тўлқинланиб турса зикримда.

Уйғур шеъриятининг муҳлисларига "Қалам ва болам", "Дил ороми" ва "Ҳаёт шундай" шеърий тўпламлари билан маълум бўлган Роҳила Ҳафизованинг нозик қалбларни тўлқинлантирадиган таъсирчан лирикаси ана шундай шароитда дунёга келган десам, хато бўлмайди.

Роҳила Ҳафизованинг болалик даври Шарқий Туркистонда ўтди. У 1937 йили Ғулжа шаҳрида туғилиб, ўша ерда ўрта маълумот олди.

ЧИЗИҚЛАР

Набирам, мен, ёзамиз шеър,
Қоғоз, қалам ўртада талаш.
Бу талашда чархланган фикр
Шеърларимнинг уфқига туташ.

Митти қўли ёзса, қаламдан —
Қоғозимда қолар чизиқлар.
Балки шудир митти оламдан
Ҳаётга йўл олар чизиқлар...
Набирам, мен, ёзамиз шеър...

ТЎКАРДИМ

Осмон кенглигини юракка солсам,
Денгиз чуқурлиги бўлса фикримда.
Ҳуснни баҳорнинг кўркидан олсам,
Олам тўлқинланиб турса зикримда.
Не ажаб, саноқсиз юлдуз қатори,
Менинг юлдузим, жой олса юксакдан.

Абадий садодан жаранглаб тори,
Чертилган қўшиқлар сапчиб юракдан.
Бахтимдан энтикиб кетган таажжуб,
Таъзимда гулларни келтирса бисёр.
Тасодиф ҳасаднинг йўлини тўсиб.
Мангулик ёшликни менга этса ёр.
Тўкардим ҳаммасин яна қилиб тер,
Сенинг қатларингга шунда она ер!

Роҳила ҲАФИЗОВА.

Роҳила Ҳафизова бугунги кунда янги-янги ижодий режалар умиди билан яшамоқда. У мустақиллигимиз ҳақида, ватан муҳаббати, кишилар дилидаги орзу-ниятлар ҳақида туркум шеърлар яратиш ниятида. Биз истеъдодли шоирамиз таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан барча мухлислари номидан самимий табриклаймиз.

Саитжон САТИШЕВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси уйғур адабиёти кенгашининг раиси.

Отахонлар гаштаги.

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

СПОРТ

"ТОЖ"НИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Лозаннанинг олимпия музейида хаваскор шохмотчилар ўртасида жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан шу номга даъвогар хиндистонлик Вишванат Ананд ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Олтита партиядан иборат бу баҳсда А. Карпов олдинда борди. Бироқ В. Ананд ҳисобни тенглаштириб боришга муваффақ бўлди. 1:0, 1:1, 1,5:1,5, 2,5:1,5, 2,5:2,5 ва сўнги ўйин дуранг бўлиб тугагач (3:3) мусобақа низомига кўра қисқартирилган вақт билан қўшимча тайинланган икки партияда А. Карпов устун келиб жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди. Шундай қилиб бу шохмотчи "тож"ни еттинчи бор қўлга киритишга муяссар бўлди.

КИМНИНГ МУШТИ КУЧЛИ?

Самарқандда бокс бўйича Ўзбекистон биринчилиги ғолиблиги учун ҳар бир вазнда қарийб 8-10 тадан даъвогар қатнашди. Вилоятимиз вакили Рустам Рустамов 48 килограммгача вазнлилар бахсида барча рақибларини енгиб финалда фарғоналик Умид Абдураззоқовни 17:5 ҳисобида маглубиятга учратди ва олтин медал эгаси бўлди. 67 килограмм вазнлилар бахсида Қаҳрамон Бойназаров Тошкент вилояти жамоасига иккинчи олтин медал келтирди. Қолган вазнларда қуйидагилар Ўзбекистон чемпиони унвони эгаси бўлишди: Алишер Раҳимов (51 килограмм, Хоразм), Темур Тулаков (54 килограмм, Андижон), Тўлқин Турғунов (57 килограмм, Андижон), Темир Сулаймонов (60 килограмм, Наманган), Муҳамадқодир Абдуллаев (63,5 килограмм, Андижон), Асатулло Юнусов (71 килограмм, Андижон), Дилшод Ёрбеков (75 килограмм, Самарқанд), Сергей Михайлов (81 килограмм, Андижон), Руслан Чагаев (91 килограмм, Андижон), Лазизбек Зокиров (мутлоқ оғир вазн, Жиззах).

Божхона бекати

ПУШАЙМОН БЎЛИШДИ

ВИЛОЯТ божхона бошқармасининг ходимлари И. Нормуҳаммедов, М. Тусбулатов, С. Каримовлар Тошкент туманининг "Минерал сувлар" оромгоҳи ёнидаги кўча бўйлаб Қозоғистонга кетаётган «КаМАЗ—5320» русумли автоуловларни тўхтатиб, божхона кўригидан ўтказганларида ҳайратдан ёқа ушлашди.

Бу автоуловларга салкам 30 тонна Польшада ишлаб чиқарилган шакар ортилган бўлиб, юк эгаси Қозоғистон фуқароси К. Авезов умумий нархи 2,5 миллион сўм турадиган шакарни ҳеч қандай ҳужжатсиз яширин йўл орқали олиб кетмоқчи бўлган эди. Аммо, мақсадга эришолмади.

Бу иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси, 1-қисми "А" банди билан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

"Туркистон" божхона маскани ходимлари айланма йўл орқали республикамизга кириб келаётган "РАФ 22—03" русумли автомашиналарни тўхтатиб, текширувдан ўтказганларида қозоғистонлик Бахтижон Кокилов 720 килограмм ҳинд чойини ҳужжатсиз олиб келаётгани аниқланди.

Тожикистонлик фуқаро Р. Ёрматов 12 турдаги 214 минг сўмлик турли хил сигареталарни ҳеч қандай ҳужжатсиз мамлакатимиз ҳудудига олиб кирмоқчи бўлганида "Ровот" божхона маскани ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

"Тошкент—Аэро" божхона мажмуаси ходимлари 11 декабрь куни "Тошкент — Шарджа" рейсига чиқаётган йўловчиларни божхона кўригидан ўтказишаётганида фуқаро М. Каримовнинг қўл юклари орасидан божхона баённомасида кўрсатилмаган 39 минг 650 АҚШ долларини олиб чиқиб кетаётгани маълум бўлди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари "Тошкент — Москва" поездининг 10 вагонидаги йўловчиларни божхона кўригидан ўтказганларида қўқонлик Л. Тўрақуловнинг белидаги белбоғи ичидан 550 грамм гиёҳвандлик моддаси чиқди.

"Олмалиқ" божхона маскани ходимлари деклорант О. Попова "Оҳангарондан" акционерлик бирлашмасига хориждан олиб келган 180 тонна балиқ унининг баҳосини ҳисоблашганида қатор камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқладилар. "Божхона Кодекси"нинг 89-моддаси бузилган ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

М. МИРСОВУРОВ.

ҲИСОБДА ЙЎҚ НАҚД ПУЛЛАР

Чирчиқлик солиқчилар кейинги кунларда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган бир қатор юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини кўздан кечирдилар. Шунда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланаётган фуқаролардан 16 нафарининг касса дафтари юритмаётганлиги аниқланди. Шундай йўллар билан улар ўз даромадларини яширганликлари учун 2250 сўмдан молиявий жаримага тортилдилар. Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган савдо шахобчаларидан 5 тасига эса қонунбузарлик ҳоллари учун 7500 сўмдан молиявий жарима қўлланилди.

Жаримага тортилганлар орасида фуқаро Ю. Шубин ҳам бор эди. У муддати ўтиб кетган қайд гувоҳномаси билан автомобил эҳтиёт қисмларини пуллаб юрган экан. Ўша куни унинг қўлида 41 минг 290 сўмлик, шериги В. Никитиндан ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз 23 минг 400 сўмлик автомобил эҳтиёт қисмлари чиқди. Қўлга туширилган эҳтиёт қисмлари суриштирув ишлари тугамагунча махсус омборда "дам сақлаб" турадиган бўлди.

Фуқаро Б. Кашаев кўпдан бери савдо-сотиқ билан шуғулланиб келаётган бўлса ҳам якка тартибда фаолият кўрсатиш бўйича мавжуд қонун-қоидаларни ҳар қадамда бузаётганлиги маълум бўлди. Текширув ўтказилган куни унинг ҳаражат ва даромадлари ёзиб бориладиган дафтарига 14 минг сўмлик моллар қайд этилмаган, ҳатто касса дафтари ҳам юритилмаган эди. Бунга йўл қўйганлиги учун унга 3750 сўм маъмурий жарима солинди.

Тижоратчиларнинг бундай хатти-ҳаракатлари Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига мутлақо зиддир. Қарорда солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш ва уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш эвазига тушумларни кўпайтиришнинг аниқ йўллари белгилаб берилган. Эндиликда жисмоний шахслар товарлар сотиш (хизмат кўрсатиш)дан олинган тушумни касса дафтарида кирим қилмасалар солиқ идоралари томонидан энг кам иш ҳақининг 10 баравари, бу ҳол такрорланган тақдирда 50 баравари миқдорида жаримага тортиладилар. Шунга ўхшаш жазоларни бошқа хил қонунбузарликлар учун ҳам қўллаш белгилаб қўйилган. Бундай кўнгилсизликлар бўлмаслиги учун қонун-қоидаларга доимо амал қилишимиз керак.

Солиқчилар фош этади

Қонунбузарлар ва уларга нисбатан қўлланилаётган жазо чоралари ҳақида газета ва журналларда кўп ёзилаяпти, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар берилаяпти. Лекин улар нафси бузуқ тижоратчи ва тадбиркорларга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмаётганлигига ҳайрон қоламиз. Солиқчилар яқинда Тошкент вилоятидаги айрим савдо шахобчаларини кўздан кечириб бу жойларда йўл қўйилаётган камчиликлардан ёқа ушлаб қолдилар.

"Зангиота" ҳиссадорлик жамиятига қарашли 7, 15 ва 35-дўконларда харидор билан ҳисоб-китоб қилишда назорат касса машиналаридан фойдаланилмаётганлигига анча вақт бўлганга ўхшайди. Текширув куни 7-магазинда 144 минг 498 сўм, 15-магазинда 47 минг 295 сўм ва 35-магазинда 61 минг 310 сўм назорат касса машиналаридан ўтказилмаганлиги маълум бўлди. Бунинг устига сотувчилар харидорларни ҳар қадамда алдамоқдалар. Ўша куни 7-магазинда юкчи бўлиб ишлаётган А. Холмуродов сотувчи ўрнида ишлаб турган экан. Бир харидорга хизмат кўрсатиб, унинг 33 сўм 45 тийинини уриб қолди.

15-магазин сотувчиси С. Хожиматованинг олдида А. Холмуродов анча инсофли экан. С. Хожиматова келган харидорни гап билан "ўраб" бир пастда 242 сўмни "шилиб" олди. 35-магазинда савдо қилаётган С. Исмоилов ҳам юлғичликда бу опахондан қолишмасди. У магазин штатида бўлмаса ҳам вақти-вақти билан сотувчиларга ёрдам бериб харидорларни чув туширириб юрар экан. Бу гал ҳам бир харидорга хизмат қилиб ундан ортиқча 234 сўмни қуртдек санаб олди.

Солиқчилар шундан кейин дўконларнинг молиявий ҳаётини чуқур текширишга киришдилар. Шунда Х. Холмуродова мудира бўлган 7-дўкондан камомад чиқди. Шундай нохуш ҳол И. Зияев мудир бўлган 15-дўконда 741 сўм 89 тийин камомад борлиги аниқланди. Т. Исмоилов мудир бўлган 35-дўкондан эса аксинча, салкам 14 минг сўмлик ортиқча товарлар чиқди. Аниқланган камчиликлар ҳақидаги баённомалар чора кўриш учун вилоят давлат солиқ бошқармасига юборилди. Мана энди нафсини тиёлмай юлғичлик кўчасига кириб кетган савдо ходимлари нажот излаб ўзларини ҳар томонга урмоқдалар. Лекин фойдаси бўлмаяпти. Улар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари аниқ.

Тошкент вилоятида шундай савдо шахобчалари борки, уларни қачон текширманг, албатта бир ишкал чиқади. "Бекободсавдо" ҳиссадорлик жамиятига қарашли 52-дўкон сотувчиларини солиқчилар илгари бир-икки марта огоҳлантирган эдилар. Лекин уларга гап кор қилмади. Яқинда дўкон такрорий тарзда текширилганда яна қонун-қоидаларга хилоф иш тутилаётганлиги маълум бўлди.

Бу ерда назорат касса машинаси худди хўжа кўрсин учун қўйилгандек. Савдодан тушган тушум ундан ўтказилмайди. Текширув куни ҳам сотувчи Х. Қўшматова 3360 сўмни назорат касса машинасидан ўтказмаган эди. Устига устак пештахта остига 3729 сўмлик акциз маркасиз товарларни ҳам яширириб қўйган экан.

Солиқчилар дўкондаги маҳсулотларни бирма-бир рўйхатдан ўтказганларида бу ерда 20 минг 667 сўмлик ортиқча товар ҳам борлиги маълум бўлди. Дўкон мудири Х. Тўрақулова турли хил баҳоналарни тўқиб ташлади-ю лекин ортиқча моллар айнан шу ерга тегишли эканлигини исботлаб беролмади.

Текширилган кўпгина озиқ-овқат дўконларида кундалик рўзғор учун зарур бўлган маҳсулотларнинг йўқлиги солиқчиларни ажаблантирди. "Бўстонлиқ" ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Дилбар" универсал дўконининг озиқ-овқат маҳсулотлари бўлимида текширув ўтказилган куни ўсимлик ёғи, шакар, чой ва хўжалик совуни йўқ эди. "Барака" савдо-воситачи хусусий корхонасига қарашли дўконда эса ун, ўсимлик ёғи, хўжалик совуни кўринмади. Бунинг устига савдодан тушаётган тушумлар назорат касса машиналаридан ўтказилмасди. Текширув пайтида "Дилбар" универсал дўкони сотувчиси Г. Эргашева 8979 сўмни, "Барака" корхонасига қарашли дўкон сотувчиси Н. Эргашева эса 1008 сўмни назорат касса машинасидан ўтказмай бир чеккага олиб қўйганликлари маълум бўлди.

Расмийлаштирилган ҳужжатлар чора кўриш учун вилоят солиқ бошқармасига юборилди. Чунки нақд пуллардан назорат касса машинасини четлаб бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳозирги пайтда катта қонунбузарлик ҳисобланади. Бунга йўл қўйган одам эса тегишли жазосини олади. Буни юқоридаги сингари кимсалар унутмасликлари керак. Шундай экан, бундай нохуш ҳоллар келиб чиқмаслиги учун ҳалол яшаб, ҳалол ишлашни ўрганишимиз зарур.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

АЛИФБЕ БАЙРАМИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги барча мактабларнинг биринчи синф ўқувчилари ўртасида "Лотин алифбосини ўрганамиз" мавзуида алифбе байрами ўтказилмоқда.

Яқинда тумандаги 20-ўрта мактабда ўтказилган ана шундай тадбирда жажжи болажонлар жонли театрлаштирилган саҳна асарлари, шеър ва рақслари билан йиғилганларни хушнуд этдилар. Энг муҳими, ўқувчилар ушбу тадбирни миллий урф-одатларимизга таянган ҳолда ўтказишди.

Байрам тадбири мазмунли ва мароқли ўтишида мактабнинг бошланғич синф бўйича илмий бўлим мудири Шарифа Бадалова, бошланғич синф ўқитувчиси "Шуҳрат" медали соҳиби Иноят Мавлоноваларнинг хизматлари катта бўлди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси хабарига қараганда кейинги уч-тўрт кун ичида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг ўзгарувчан келиши кутилади.

Ҳарорат кечалари 4 даража илиқликдан 1-6 даража атрофида совуқ, кундуз кунлари эса 2-7 дан 4 даражагача илиқ бўлади.

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

Тошкент вилояти давлат мулк қўмитаси ва Тошкент вилояти кўчмас мулк биржаси биргаликда қуйидаги кимошди савдоларини ўтказади.

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари ва иншоотлар қўйилади:

	Бошланғич нархи сўм	Ишлаб чиқарилган йили
Газ—53 д/р 32-25 ТШМ (самосвал) Янгийўл шаҳридаги "Агромаш" ХЖ	55000	1985
ГАЗ—53 д/р 61-11 ТШП (юк ташувчи) Янгийўл шаҳри "Агромаш" ХЖ	55000	1987
ГАЗ—53 д/р 49-33 ТШП (юк ташувчи) Янгийўл шаҳри "Агромаш" ХЖ	55000	1977
Келес шаҳридаги "Ал-Аббос" хусусий фирмасининг омборхонаси	6000000	1990
Тошкент тумани Абдурахмонов номли жамоа хўжалигидаги "Ал-Аббос" хусусий фирмаси дўконининг хонаси	7000000	—
Келес шаҳридаги "Ал-Аббос" хусусий фирмасининг қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш объекти	300000	—

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари

Тури	Давлат рақами	Баланс эгаси	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи, сўм
ЗИЛ-131	49-34 ТШР	"Чирчиққишхўжмаш" ОТХЖ	1988	283000.0
КамАЗ-5320	43-12 ТША	"Чирчиққишхўжмаш" ОТХЖ	1982	587000.0
КАЗ-608В	42-71 ТШР	"Чирчиққишхўжмаш" ОТХЖ	1988	166300.0
Нисса-522М	81-48 ТШН	"Чирчиққишхўжмаш" ОТХЖ	1986	138000.0
Нисса-522Т	46-52 ТШР	"Чирчиққишхўжмаш" ОТХЖ	1988	147000.0
РАФ-2203	26-34 ТШП	"Чирчиққишхўжмаш" ОТХЖ	1977	249000.0
ИЖ-2715014	91-38 ТШР	Қибрайдаги 1-ҳунар лицейи	1988	57000.0
Нисса-522	13-51 ТШЛ	Бўка туманидаги автойўл бошқармаси	1981	56000.0
РАФ-2203	61-52 ТШМ	Тошкент туманидаги автойўл бошкармаси	1977	65000.0
ВАЗ-2107	32-95 ТШБ	"Ўзэнерготаъминлаш" ишлаб чиқариш бирлашмаси моддий-техника таъминоти корхонаси	1995	60100.0
КамАЗ-5410	90-14 ТШМ	Пскент туманидаги "АТК-1" ОТХЖ	1985	141000.0
Яримтиркама ОДАЗ-9370	17-09 ТШ	Пскент туманидаги "АТК-1" ОТХЖ	1985	69000.0
ВАЗ-2121	89-95 ТША	Чирчиқ шаҳри меъморчилик бўлими	1985	58000.0

Савдога қўйилган кўчмас мулк объектлари

Объектнинг тури, жойлашган ери	Бошланғич нархи, сўм
Қибрай тумани Дўрмон кўрғонидаги "МХРРСО" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг асосий фондлари	426000.0
Чирчиқ шаҳри Амир Темур кўчасидаги 106-уйда жойлашган майдони 78.06 кв.м. бўлган сартарошхонанинг одам яшамайдиган хонаси	70000.0
Зангиота туманидаги майдони 800.1 кв.м бўлган одам яшамайдиган хона	600000.0

Кимошди савдолари Тошкент вилояти ҳокимиятининг мажлислар залида 1998 йилнинг 20-, 26- ва 29-январь кунлари соат 10.00 да бошланади.

Аввалги кимошди савдоларидан қолиб кетган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва қурилиши тугалланмаган иншоотлар қайтадан савдога қўйилади.

Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51. Тошкент вилояти ҳокимлиги биноси.

Мурожаат учун телефонлар:

Тошкентда (код 3712) 133-28-52, 133-77-18.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0890. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.* Адади 14.031 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6